O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

2001 йил 8 май сешанба
Сотувда эркин нархда
№ 89 (2651)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## Ўзбекистон — Россия:

# МУНОСАБАТЛАР ЯНГИЧА МАЗМУН КАСБ ЭТМОҚДА

### ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВ 3-5 МАЙ КУНЛАРИ ИККИНЧИ БОР ДАВЛАТ ТАШРИФИ БИЛАН РОССИЯДА МЕҲМОН БЎЛДИ



Ислом Каримов 1998 йилнинг майида давлат ташрифи билан Россияда меҳмон бўлган эди. Бу галгиси, қоидага кўра, расмий ташриф бўлиши керак эди. Лекин Кремль маъмуриятининг ташаббуси билан унга давлат ташрифи мақоми берилди. Аслида эса протокол қоидалари бир мартадан ортиқ давлат ташрифини инкор этади.

Шунда сўзнинг қудрати яна бир бор сезилди. Оммавий ахборот воситаларида бу воқеанинг ("расмий" сўзининг "давлат" билан алмаштирилиши) аҳамияти ҳақида кўп гапирилди. Лекин ана шу алмашувга нималар сабаб бўлганлиги ҳақида барибир тўхталиб ўтмоқ керак.

Ислом Каримовнинг Москва сафари чоғида муҳокама этилган масалаларни бир неча қисмга бўлиш мумкин: хавфсизлик, савдо-иқтисодий муносабатлар, ижтимоий соҳадаги алоқалар. Бу йўналишларнинг ҳар бири аньанавий десак, хато бўлмайди. Ўзбекистон — Россия муносабатлари ҳамиша уларни ўз қамровига олиб келган. Фарқ шундаки, замон тақозоси, ўзгариб бораётган шарт-шароит, халқаро майдондаги мураккаб жараёнлар Ўзбекистон — Россия муносабатларини янги мазмун билан бойитмоқда. Бу муносабатларда беш-ўн йил бурунги зўракилик ўрнини самимийлик эгаллади.

Ҳозирги шароит икки мамлакатнинг хавфсизлик масалаларида яқин ҳамкор бўлишини тақозо этмоқда. Афғонистондаги вазият нафақат Ўзбекистон ёки Марказий Осиё, балки бутун дунё аҳлининг бошини қотириб турибди. У ерда контрабанда йўли билан жаҳонга тарқатилаётган жамики наркотик модданинг 75 фоизи ишлаб чиқарилади. Афғонистон террорчиларнинг маънавий, иқтисодий ва ҳарбий жиплашув марказига айланган. Президент Ислом Каримов у ердан жаҳонга тарқалиши мумкин бўлган хавф-хатар ва таҳдид ҳақида мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб огоҳ этиб келади. Афсуски, муаммонинг кўлами анча кеч англаб етилди. Масалан, АҚШ ўзининг Кения ва Танзаниядаги элчихоналаридаги портлашлар, "Коул" ҳарбий кемасидаги қўпорувчиликни бошидан кечирди. Шундан кейингина жаҳон террорчиларининг бош ҳомийси Усама бин Лоднинги астойдил қидиришга тушди. Уни ўз паноҳига олган "Толибон"га нисбатан турли тақиқлар жорий қилинди. Ривожланган Европа ҳам Афғонистон масаласида қатъий фикрга келишга унчалик шошилмаётган эди. Наркобизнесга оид статистика, толибларнинг ваҳшийликлари, Будда ҳайкалларининг бузилиши, Болқондаги нотинчликлар ниҳоят бу қитъани ҳам ҳушёр торттира бошлади.

Таъкидланганидек, Ислом Каримов воқеаларнинг бундай ривожланишини бир неча йил олдин башорат қилган эди. Лекин "узоқ хориж" у ёқда турсин, Марказий Осиё ёки МДҲ доирасида ҳам Афғонистондан чиқаётган таҳдидга қарши чора сифатида баландпарвоз гаплару иш бермайдиган ҳужжатлар имзолашдан нарига ўтилмади. Диний экстремизм, террор, наркотик моддалар ва қурол-яроғ контрабандасининг қулочи кенгайиб, Афғонистондан анча олисда, анча қудратли давлатлар ҳудудида ҳам асоратлари сезила бошлангандагина кўпчилик ғимирлаб қолди. Хусусан, Россияда ўчириш жуда қийин кечаётган уруш ўчоғи пайдо бўлди. Чеченистондаги воқеалар аслида "аксилтеррор операцияси" деган қолипга сиғмайди. У бутун дунё бўйлаб яширин илдиз отган улкан кучга қарши курашдир. Бу илдиздан куч олаётганлар турли ғояларни ниқоб қилиб, Европаю Осиё, Африка ва ҳатто Америкада ҳам ўзининг ваҳшиёна ҳаракатларини амалга оширяпти. Болқон ва Чеченистондаги урушлар, шунингдек, ўтган йиллари Боткен ва Сурхондарёда кечган воқеалар шаклан турлича кўринса-да, моҳияти бир хиллиги, аслида ягона занжирнинг ўзаро боғлиқ халқалари эканлигини тушуниб етиш қийин эмас.

Ўзбекистон ва Россиянинг ҳарбий, ҳарбий-техникавий ҳамкорлиги ҳар томонлама мустаҳкамланиб бораётганига асосий сабаб бир неча таркибий қисмдан иборат бўлган ана шу тизимга қарши кураш зарурати-дир. Россия ҳарбийларимизга тунда кўриш мосламалари, тоғли, ўрмонли ҳудудларда жанг қилиш учун техникавий воситалар беряпти. Ўзбекистон эса унинг жанубий сарҳадларига кириши мумкин бўлган хавфга тўсиқ бўлиб турибди.

Шу боис Президентимизнинг бу галги Москва сафари чоғида ҳарбий соҳага оид қўшма ҳужжатлар сони яна биттага кўпайди. Давлат чегараларини мустаҳкамлаш масалалари бўйича ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланди. Уни тайёрлаш чоғидаёқ амалда қўллашнинг аниқ чоралари ишлаб чиқилган эди. Бу эса амалий ҳаракатлар тобора фаоллашаётганини кўрсатади.

Иқтисодий муносабатларга келсак, икки мамлакатда ҳам юзлаб қўшма корхоналар ишлаётгани, ўтган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 1 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетгани эътиборга моликдир. Лекин томонлар бир овоздан бундан қониқиш ҳосил қилиб бўлмаслигини тан олди. Гап шундаки, савдо-иқтисодий муносабатларимиз имкониятларимиз даражасида эмас, ҳатто баъзида замонавий руҳдаги алоқаларга мос келмайди. Масалан, Ислом Каримов тўғри таъкидлаганидек, Россиянинг нефть-газ соҳасида ишлайдиган компаниялари Марказий Осиёга келгани йўқ. Ваҳоланки, бу ерда улкан энергетика захиралари мавжудлиги ҳозир ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон учун, қўшни давлатлар учун бу захираларни ўзлаштиришда кучли шериклар билан иш кўриш маъқул. Қудратли давлат ўз компаниясини қимоя қилиш билан бирга, бевосита бизнинг хавфсизлигимизни таъминлашда ҳам иштирок этади. Шу боис ҳам Ўзбекистон минтақамизда Россиянинг иқтисодий фаоллашуви тарафдори эканлиги Президент Ислом Каримов томонидан бир неча бор таъкидланди. Ягона шарт тенглик асосидаги шерикликдир. Шунда ҳам иқтисодий фойда олинади, ҳам давлатлараро муносабатлар ривожланади.

Эркин алмашиладиган хориж валютага эҳтиёж катта бўлган шароитда Россия бизга бартер усулини таклиф этади. Бу — вазиятдан келиб чиқадиган тўғри хулоса. Мантиқан қараганда, бир туркум товар олиб, ўрнига пул бермай, бошқа товар бериш — тўғри иш. Лекин бу зўрма зўраки амалга оширилмаслиги керак. Мухтасар айтганда, савдо-сотиқни бозорнинг ўз қоидалари бошқарсин.

Москвадаги музокараларда иқтисодий муносабатлар муҳокама этилар экан, Ислом Каримов Россия томонига қўшма корхоналарни кўпайтириш, мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнида фаол қатнашиш орқали ҳамкорликни кучайтиришни таклиф этди. Бу фикр тўла қўллаб-қувватланди.

Икки мамлакатнинг ижтимоий соҳадаги алоқалари жадал ривожланмоқда. Рассомларнинг кўргазмалари, театр жамоаларининг гастроллари, олимларнинг ҳамкорлиги, шифокорларнинг борди-келдилари давомли тус олган. Айниқса, илм-фан ва таълим соҳасидаги алоқалар диққатга сазовор. Президентимиз Россиядаги бир неча нуфузли илм масканларининг фахрий аъзоси бўлди, мукофот ва унвонлари билан тақдирланди. Ислом Каримов — Москва давлат университетининг (МДУ) ҳам фахрий профессори.

Бу ерга ташриф чоғида ректор Виктор Садовничий ва бошқа мураббийлар Ўзбекистон таълим соҳасида юз бераётган ўзгаришлардан ҳайратга тушганини айтди. Дарҳақиқат, Қадрлар тайёрлаш миллий дастури доирасидаги ишлар, "Умид", "Ўстоз" жамғармалари тузилгани, энг муҳими, Ўзбекистонда таълим соҳасига ялпи ички маҳсулотнинг 10 фоизи баробарида маблағ ажратилаётганидан ҳайратланмай илож йўқ.

В.Садовничий таълим соҳасига бирор давлат раҳбари Ислом Каримовчалик эътибор бермаганини алоҳида таъкидлагани бежиз эмас. Кадрлар малакасини оширмай, янгича фикрлайдиган авлодни вояга етказмай порлоқ келажак қуриб бўлмайди. Ўзбекистонда таълим тизими жиддий ислоҳ этиляпти. Илгари йигит-қизлар 18 ёшга киргандагина касб танлашга киришган бўлса, ҳозир уларнинг тенгдоши бир ё бир неча ҳунарга эга. Ёшларимиз ривожланган мамлакатдаги нуфузли илм масканларида таҳсил оляпти. Бу ислоҳотлар вақти келиб улкан ўзгаришларга олиб келишига шубҳа йўқ.

Ҳар аудиториясига бир дақиқадан кириб-чиқиш учун 80 йил талаб этиладиган МДУ Ўзбекистон олий ва ўрта-махсус таълим вазирлиги ва Миллий университетимиз билан яқин ҳамкорлик қилади. Айни вақтда унинг ташаббуси билан ўзбекистонлик ўқувчилар олимпиадада иштирок этяпти, олий ўқув юртларимизнинг ректор ва проректорлари МДУда малака оширяпти. Университетдаги учрашувда бундай алоқалар кўламини янада кенгайтиришга келишиб олинди.

Россия сафарининг яна бир муҳим воқеасига алоҳида тўхталмоқ жоиз. Ислом Каримов Москва ҳукумати раиси Юрий Лужков билан учрашди. Учрашувдан сўнг унинг ҳамроҳлигида "Москва Сити" мажмуига борди. У ерда мажмуанинг ўзи, қурилишлари билан танишди ва айни пайтда бир гуруҳ москвалик ишбилармонлар билан мулоқотда бўлди. Ислом Каримов шаҳарни давлат ичидаги давлатга қиёслар экан, Ўзбекистон маъмурий-ҳудудий тузилмаларининг у билан бевосита алоқаларини ривожлантириш ҳар томонлама фойдали бўлишини таъкидлади.

Дарҳақиқат, Москва йирик саноат марказидир. Биргина "Москва Сити" мажмуини мисол келтирсак. Бу ерда 27 қаватли улкан бино қуриб битказилди, ёнида эса машҳур "Останкино" телеминорасидан ҳам баландроқ иккита осмонўпар иншоот бунёд этилмоқда. Улар Европадаги энг баланд биноларга бўлади. Мажмуа эса ўз номи билан ("сити" инглизча "шаҳар" дегани) катта бир шаҳарга айланади. Унда бизнес-марказ, маданий тадбирлар ва спорт мусобақаларига мўлжалланган жойлар, қўйингки, шаҳар ҳаётида учрайдиган ҳамма нарса бўлади.

Шундай қилиб, Президент Ислом Каримовнинг Россияга иккинчи давлат ташрифи ниҳоясига етди. Ташриф чоғида мамлакатимиз делегациясига кўрсатилган эҳтиром ва самимият Россияда Ўзбекистонга муносабат тубдан ўзгарганидан далолатдир. Президент қаерда, ким билан учрашмасин, кўтаринки кайфиятнинг гувоҳи бўлди. Ҳукумат раиси Михаил Касьянов "ташрифингиз ривожланиб бораётган ҳамкорлигимизнинг катта белгиси, биз Ўзбекистонни стратегик ҳамкор, деб биламиз, сўнгги вақтларда алоқалар кучайди, муносабатларимиз стратегик ҳамкорлик хусусиятини олаётгани яққол намоён бўлмоқда", деди. Президент Владимир Путин эса, мазкур ташриф муносабатларимизни янги босқичга кўтарадиган ғоят кучли омил бўлишини таъкидлаб, мулоқотлар саминий кечгани ва кутилганидан ҳам кўп фойдали келишувларга эришилгани учун Ислом Каримовга миннатдорлик билдирди.

Россия оммавий -ахборот воситалари — алоҳида мавзу.

Жамоатчилигимиз ҳам илк бор Ўзбекистон Президентининг ташрифига бу қадар катта эътибор берилганига гувоҳ бўлди. Телерадио каналлари, саноқсиз газталар ташрифни мунтазам равишда ёритиб борди. Бу эса Россия ҳукумати ва жамоатчилигида Ўзбекистон билан алоқани кучайтиришга интилиш ғоят кучли эканлигидан дарак беради.

Сўзимиз сўнгида президентлар имзолаган қўшма баёнотдан бир жумлани келтирмасдан ўтолмадик. Унда "икки мамлакат том маънодаги тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ёрдам, бир-бирининг суверенитети, ҳудудий яхлитлиги ва манфаатларини ҳурмат қилиш тамойиллари асосида муносабат қуриш борасида яқдил қарорга келгани" таъкидланади. Бинобарин, Ислом Каримовнинг ташрифи ўзаро алоқаларимизни янги ривожланиш палласига олиб киради ва муносабатларимизни янги мазмун билан бойитади, дейишга барча асос бор.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
**Тошкент-Москва-Тошкент.**

**СУРАТДА: ташриф чоғидан лавҳа.**
**Муҳаммад АМИН, Фарҳод ҚУРБОНБОЕВ (ЎзА) олган сурат.**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВГА

*Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!*

*Гўзал ва бетакрор юртимизнинг сўлим гўшаси — Жиззах заминида катта муваффақият билан ўтган "Баркамол авлод" спорт мусобақалари мамлакатимиз ёшларига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир натижаси экани бизга алоҳида ғурур-ифтихор бахш этади. Бу спорт анжумани нафақат биз — мусобақа иштирокчилари, балки бутун мамлакатимиз ёшлари ҳаётида унутилмас воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз.*

*Мазкур мусобақалар Сизнинг "Болаларимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги керак" деган даъватингиз бугунги ҳаётимизда тобора амалий қиммат касб этиб бораётганини яна бир карра бутун дунёга намойиш этди. Бундай меҳрибонлик учун Сиздан бениҳоя миннатдормиз.*

*Ёшликка хос шижоат ва гўзаллик байрамига айланиб кетган спорт ўйинларида биз ўз кучимиз ва маҳоратимизни намойиш қилар эканмиз, юрт меҳри, Ватан ишончи инсон учун ҳамма нарсадан азиз ва муқаддас эканини чуқур ҳис этдик. Жисмоний жиҳатдан ҳам, маънавий жиҳатдан ҳам бир поғона ўсдик, улғайдик. Шунинг ўзи биз учун энг катта ғалабадир.*

*Ишончимиз комилки, Сизнинг ташаббусингиз билан ўтказилган "Баркамол авлод" мусобақалари хайрли аньанага айланиб, мард, фидойи ва олижаноб инсонларни тарбиялашга хизмат қилади. Бу йўлда дастлабки қалдирғочлар бўлиш бахти бизга насиб этганидан ғоят бахтиёрмиз.*

*Биз бор куч-ғайратимиз ва маҳоратимизни Ватанимиз равнақи, юртимиз тинчлиги ва халқимиз фаровонлиги йўлида сафарбар этишни ўзимизнинг фарзандлик бурчимиз деб биламиз.*

**«Баркамол авлод» спорт мусобақалари қатнашчилари,**

2001 йил 5 май, Жиззах шаҳри.

## Ватан, фидойинг бўлгай баркамол авлод!

Жиззахдаги "Сўғдиёна" марказий стадионида илк бор ўтказилган "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими бўлди. Унда сўз олган мусобақаларни ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Жуманазар Ҳусанов республикамиздаги ўрта-махсус ва касб-ҳунар таълими тизимидаги талабалар ўртасида ташкил этилган ушбу тадбирнинг аҳамияти хусусида гапирди.

"Баркамол авлод" спорт ўйинлари қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига Мурожаатнома қабул қилдилар. Мурожаатнома ўқиб эшиттирилаётган пайтдаги спортчи ёшларнинг нигоҳидаги жўшқинликни, ишонч ва қатъийликни кўриб илҳомингиз қайнайди:

***Азиз Ўзбекистон!***
***Бағри кенг ҳотам,***
***Меҳри осмон қадар***
***чексиз, улуғвор.***
***Тилло тупроғингни***
***жондай асровчи***
***Биздайин фидойи***
***фарзандларинг бор.***

Республика биринчи "Баркамол авлод" спорт ўйинларининг бош соврини сифатида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг спортчи ёшларга йўллаган табригининг асл нусхаси таъсис этилгани эълон қилинди. Мазкур бош соврин ва "Дамас" автомобили калитини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Рисқиев ғолиб жамоа — Тошкент шаҳри ёшларига топширди. Иккинчи соврин — яна битта "Дамас"ни мусобақаларда ғалабага бўлган иштиёқини намойиш этган наманганлик талабалар Жиззах вилояти ҳокими Ш. Мирзиёевдан қабул қилиб олишди. Учинчи соврин — "Тико" автомобили пойтахт вилояти спортчиларига насиб этди. Уни ташкилий қўмита раиси Ж. Ҳусанов топширди.

"Баркамол авлод" спорт ўйинларининг кейинги баҳслари Қашқадарёда давом этадиган бўлди.

Шундай кейин Ўзбекистон санъат усталари томонидан намойиш этилган катта концерт дастурининг ҳар бир қўшиғига нафақат спортчи ёшлар, балки барча томошабинлар жўр бўлишди.

(Давоми 4-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

Олий Мажлисда 5 май куни фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига бўладиган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика семинар-кенгаши бўлиб ўтди. Бу сайловни фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва улар маслаҳатчиларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлари муддати тугаётганлиги муносабати билан шу йилнинг майиюн ойларида ўтказиш тайинланган бўлиб, Олий Мажлис Кенгаши бу хусусда қабул қилган қарор Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида эълон қилинганди.

Семинар-кенгаш ишида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг ташкилий-кадрлар ишлари бўйича гуруҳларининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашиш комиссияларининг раҳбарлари, туман ва шаҳар ҳокимларининг ўринбосарлари, бир қанча шаҳарча ва қишлоқ (овул), шунингдек, Тошкент шаҳар маҳаллалари фуқаролар йиғинларининг раислари, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари раҳбарлари, Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман), Олий Мажлисдаги депутатлик фракциялари раҳбарлари, парламентда доимий асосда ишлаётган депутатлар ва Олий Мажлис Котибиятининг ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ва Вазирлар Маҳкамасининг масъул ходимлари, Марказий сайлов комиссияси, Конституциявий суд, республика Прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Молия, Адлия, Ички ишлар вазирликлари, Давлат мулк қўмитаси, Давлат солиқ қўмитаси, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази вакиллари, Ўзбекистоннинг бир қанча жамоат ташкилотлари ва оммавий ахборот воситалари намояндалари иштирок этдилар.

(Давоми 2-бетда).

## Ишчи гуруҳи йиғилиши

7 май куни иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг якунловчи мажлиси бўлиб ўтди. Уни ишчи гуруҳининг раҳбари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова олиб борди.

Мажлисда сессияга тайёргарлик кўриш бўйича олиб борилаётган ишларга якун ясалди. Кичик гуруҳларнинг раҳбарлари А. Аҳадов, Ў. Ҳошимов ва И. Кочмарик сессия муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ва бошқа материаллар депутатларга ўз вақтида етказилганлигини маълум қилдилар.

Олий Мажлис қўмиталарининг раислари ва бошқа депутатлар қонун лойиҳалари устида олиб борилган ишлар ҳақида ахборот бердилар, сиёсий партиялар фракциялари, сайловчилар, ташкилотлар, муассасалар ва жамоат бирлашмаларидан қатор таклиф ва мулоҳазалар тушганлигини билдирдилар. Ушбу таклиф ва мулоҳазалар Олий Мажлис қўмиталарида синчковлик билан ўрганиб чиқилмоқда ва иш жараёнида ҳисобга олинмоқда.

Олий Мажлиснинг қўмита ва комиссияларида, эксперт-лар гуруҳларида олиб борилаётган қонунчилик ишлари республика оммавий ахборот воситалари орқали, телевидение ва радиода кенг ёритилаётганлиги таъкиллаб ўтилди. Айни пайтнинг ўзида депутатларга ташкилий-техникавий хизматлар кўрсатиш, сессия кунларида улар самарали ишлаши учун зарур шарт-шароитлар яратиш юзасидан олиб борилаётган ишларни жонлантириш зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда қонун ҳужжатларининг лойиҳалари устида олиб борилаётган ишларни давом эттириш, тушган таклиф ва мулоҳазаларни чуқур ўрганиб чиқиш, парламент иши самарали бўлишини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалга ошириш зарурлиги алоҳида кўрсатиб ўтилди.

### Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси бешинчи сессияси 2001 йил 11 май куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

### Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 10 май куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

### Сиёсий партияларнинг Олий Мажлис депутатлари фракциялари ва депутатлар блоклари таркибига кирадиган депутатлар диққатига

10 май куни Олий Мажлисда соат 13.00 да «Адолат» социал-демократик партияси фракциясининг, соат 14.00 да «Фидокорлар» миллий демократик партияси фракциясининг ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокининг ҳамда соат 14.30 да — ҳокимият вакиллик органларидан сайланган депутатлар блокининг йиғилишлари бўлиб ўтади.

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

Семинар-кенгашни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова кириш сўзи билан очди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий ҳаётдаги ўсиб бораётган роли ҳақида семинар-кенгаш қатнашчилари олдида маъруза қилди. Маърузачи бўлғуси сайловнинг улкан сиёсий ва ижтимоий аҳамиятини таъкидлаб, бу тадбир давлат ва ижтимоий ҳаётни янада эркинлаштириш йўлида, фуқароларнинг ўтказилаётган демократик ислоҳотлардаги фаоллигини ошириш учун зарур шароит яратиш йўлида муҳим босқич эканлигига алоҳида урғу берди.

Бугунги кунда мамлакатимизда кечаётган демократик жараённи, ҳуқуқий фуқаролик жамиятини барпо этиш ишини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг биринчи сессиясидаги ўз маърузаларида бундай деган эди: «Одамларнинг сиёсий онги, сиёсий маданияти, сиёсий фаоллиги юксалиб борғани сари, давлат вазифаларини нодавлат тузилмалар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига босқичма-босқич ўтказиб бориш зарур. Бу борада ўзини ўзи бошқарадиган идораларнинг, маҳаллаларнинг нуфузини ва мавқеини ошириш, уларга кўпроқ ҳуқуқлар бериш катта аҳамият касб этади. Фуқаролик жамиятининг мустаҳкам асосларини барпо этиш йўлидаги ишларимизнинг мазмун-моҳиятини ҳам айнан мана шу масала ташкил қилади».

Халқнинг ташаббуси билан яратилган ва унинг ижодиёти маҳсули бўлмиш фуқаролар йиғинлари жаҳон амалиётида мисли бўлмаган ноёб миллий ўзини ўзи бошқарув усулидир. Бундай йиғинлар ўзининг теран илдизлари билан кўҳна ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари, маданияти, тажрибаси ва оқиллиги сарчашмасидан баҳраманд бўлиб келмоқда. Бу умум қабул қилинган демократик қадриятлар ва институтлар муайян ижтимоий-сиёсий шароитда ўзига хос, беназир мазмун касб этишига ёрқин мисол бўла олади.

Яқинлашиб келаётган сайлов Олий Мажлис томонидан 1999 йили янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун қабул қилинганидан кейин биринчи бор ўтказилаётган катта кампаниядир. Яқин икки ой ичида Ўзбекистонимизнинг шаҳарча, қишлоқ ва овуллари, шунингдек, шаҳарлардаги шаҳарча, қишлоқ ва овуллари маҳалла фуқаролар йиғинларининг тўққиз мингдан ортиқ раиси (оқсоқоли) сайланади. Уларнинг айни бир пайтда сайланадиган маслаҳатчилари сони бундан бир неча марта кўп бўлади. Аҳоли кенг қатламларининг ана шу намояндалари зиммасига демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, жойлардаги долзарб ижтимоий вазифаларни ҳал этиш борасида улкан ва масъулиятли вазифалар юкланади.

Олий Мажлис Раиси мамлакатни ривожлантиришнинг ҳозирги босқичида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган асосий вазифаларга муфассал тўхталиб ўтди. Қонунлар, Президент фармонлари ва ҳукумат қарорлари ижро этилиши устидан жамоат назоратини амалга ошириш, кўп болали ва кам таъминланган оилаларга, аҳолининг бошқа тоифаларига ижтимоий мадад бериш учун давлат томонидан ажратилаётган маблағлар белгиланган мақсадда, самарали фойдаланилишини таъминлаш, ўзбек халқининг маънавий-ахлоқий қадриятларини, унинг кўп асрлик анъаналари, расм-русум ва одатлари, маданиятини тиклаш, жамиятда осуда ва хавфсиз вазиятни сақлаб туришда ҳуқуқни муҳофаза этувчи органларга кўмаклашиш, тўй, юбилей, маросим ва бошқа оилавий тадбирларни ўтказишдаги янги таомил ва усулларни тарғиб қилиш, шахснинг Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя этишни ана шундай вазифалар жумласига киритиш мумкин.

Маърузачи фуқаролар йиғинлари раислигига (оқсоқоллигига) ва уларнинг маслаҳатчилари вазифасига катта ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган, аҳоли ўртасида ҳақли равишда обрў ва ҳурмат қозонган ҳалол, билимдон, маълумотли кишиларни кўрсатиш зарур эканлигини алоҳида таъкидлади. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал эта билиш, одамлар билан иш олиб бориш салоҳияти ва уларни ўз ортидан эргаштира билиш қобилияти номзодларнинг асосий фазилати бўлиб қолмоғи керак.

Сўнгра семинар-кенгаш қатнашчилари олдида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Д. Ғуломова сўзга чиқди. Нотиқ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва уларнинг ваколатларини кенгайтириш масалаларига тўхталди. Ўзбекистон истиқлолга эришган дастлабки кунлардан бошлабоқ Президент И. А. Каримов бошчилигидаги мамлакатимиз раҳбарияти фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини мустаҳкамлашга катта эътибор бериб келмоқда. Барча даражадаги ҳокимият ижроия органлари уларнинг муваффақиятли фаолият кўрсатиши, қонун ҳужжатлари билан ўзларига берилган кенг ваколатларни амалга ошириши учун зарур шароитлар яратиш юзасидан катта иш олиб бордилар.

Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А. Саидов семинар-кенгашда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг янги қоидалари ҳамда норматив-ҳуқуқий базани мустаҳкамлаш чоралари тўғрисида маъруза қилди. Адлия вазирининг ўринбосари Б. Мустафоев ўз нутқида фуқаролар йиғинларининг раислари (оқсоқоллар) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш вазифаларига тўхталди. Парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў. Ҳошимов бўлғуси сайлов кампаниясини оммавий ахборот воситаларида ёритиш масалалари ҳақида нутқ сўзлади.

Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг мамлакатимиз ҳаётида ортиб бораётган роли, фуқаролик жамиятини барпо этиш шароитида уларнинг фаолиятини такомиллаштириш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, қонунларга қатъий риоя этиш, ёшлар ўртасида қонунбузарликларнинг олдини олиш ва рўйхатга олинмаган диний ташкилотлар фаолиятига йўл қўймаслик, аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида семинар-кенгашда Вазирлар Маҳкамаси юридик бўлимининг мудири Б. Кўчқоров, республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси Ш. Жалилов, ички ишлар вазирининг ўринбосари Б. Парпиев, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмита раиси Ф. Собиров, Тошкент вилоят ҳокимининг ўринбосари С. Хўжаева сўзга чиқдилар.

Шундан кейин фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўзаро иш тажрибаси алмашдилар. Семинар-кенгаш қатнашчилари олдида Андижон шаҳар ҳокимининг ўринбосари Б. Зиёев, Самарқанд вилояти «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлими раиси Т. Қурбонов, Бухоро вилояти Жондор тумани ҳокимининг ўринбосари Р. Раҳимова, Қарши шаҳридаги Ф. Хўжаев маҳалла фуқаролар йиғини раиси М. Жалилов, «Наманган ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири Ф. Йўлчиев, Ўзбекистон Республикаси «Ижтимоий фикр» маркази директори Р. Убайдуллаева, Фарғона вилояти «Маҳалла» хайрия жамғармаси бўлими раиси А. Қодиров, Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидаги «Бўзёр» овул фуқаролар йиғини раиси Р. Ҳайитбоев, Хоразм вилояти Урганч тумани ҳокимининг ўринбосари И. Абдуллаев сўзга чиқдилар. Улар маҳаллаларда олиб борилаётган янги иш шакл ва усуллари тўғрисида, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолияти ҳақида, ўзбек халқининг кўҳна анъаналари, расм-русум ва одатлари, маданиятини тиклаш юзасидан қилинаётган ишлар, жойлардаги бошқа қатор долзарб масалаларни ҳал этишда орттирилган тажрибалари ҳақида гапириб бердилар.

***Аввал хабар қилганимиздек, сессия муҳокамасига киритилаётган Давлат бюджетининг 2000 йилдаги ҳамда 2001 йил биринчи чорагидаги ижроси Олий Мажлиснинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасида сўнгра Олий Мажлис Кенгашида муҳокама қилинган ва маъқулланган эди.***

*Олий Мажлис сессияси олдидан*

# Давлат бюджети

## унинг ижроси қандай таъминланди?

Қўмита раиси Абдурафиқ АҲАДОВнинг берган маълумотларига қараганда Давлат бюджетининг даромадлари ўтган йилда қарийб 910,9 миллиард сўмни ёки режага нисбатан 100,2 фоизни, харажатлари 942,7 миллиард сўмни ёки режага нисбатан 100,1 фоизни ташкил этган. Даромадлар ялпи ички маҳсулотга нисбатан 28,5 фоиз, харажатлар эса 29,6 фоиз миқдорида бажарилди. 1999 йилда умумий даромадлар ЯИМга нисбатан 30,4 фоизни ташкил этган эди.

Бюджет тақчиллиги Олий Мажлис томонидан ЯИМга нисбатан 2,8 фоиз қилиб белгиланган эди. Амалда эса 1,0 фоиз бўлишига эришилди. Бюджет тақчиллиги ноинфляцион манбалар ҳамда Марказий банк кредитлари ҳисобига қопланди.

Давлат бюджетининг даромадлар бўйича ижросининг таъминланишида Олий Мажлис томонидан 2000 йил учун солиқ сиёсатида бир қатор янги ўзгаришлар қабул қилинганлиги сабаб бўлди, дейиш мумкин. Ана шундай йўл билан қарийб 45 миллиард сўм маблағ солиқ тўловчилар ихтиёрида қолдирилиши мўлжалланган эди. Жумладан, даромад (фойда) солиғининг 2000 йилда 33 дан 31 фоизгача пасайтирилиши хўжалик субъектларига 5 миллиард сўмдан ортиқ маблағларни инвестиция фаолиятини кенгайтириш учун йўналтиришга имконият яратиши кўзда тутилган эди. 2000 йилнинг натижалари бу кўрсаткич мўлжалдагидан анча юқори, яъни қарийб 8 миллиард сўм бўлганини кўрсатди. Бу, албатта, солиқ юки енгиллашганининг ёрқин намунасидир. Даромад (фойда) солиғи бўйича тушумлар жами бюджет даромадларида 13 фоизни ташкил этди. Буни 1999 йилги кўрсаткичлар билан қиёслаганимизда 3 фоизга кам эканлиги маълум бўлди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслар даромади солиғи 2000 йилда 14,5 миллиард сўмни ёки умумий тушумларда деярли 1,6 фоизни ташкил этди. 1999 йилда бу кўрсаткич 1,5 фоиз бўлган эди.

**Билвосита солиқларнинг Давлат бюджетидаги улуши 2000 йилда 45,5 фоиздан ошди, қўшилган қиймат солиғининг улуши эса 24,3 фоизни ёки 221,5 миллиард сўмни ташкил этди. Акциз солиғи бўйича тушумлар бюджетининг жами даромадларида қарийб 19 фоиз миқдорида қайд этилди.**

Ресурс тўловлари ҳамда мулк солиғи бўйича тушумлар 91 миллиард сўмдан ошди. Уларнинг умумий тушумлардаги улуши 1999 йилда 11 фоиз бўлган бўлса, жорий йилда 10 фоизгача пасайди. Бунга ер ости бойликларидан фойдаланиш солиғининг 30 фоизга камайтирилиши асосий сабаб бўлди.

2000 йил Давлат бюджетининг харажатлари айтиш жоизки аҳолининг турмуш даражасини янада ошириш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, ижтимоий соҳани ривожлантириш ҳамда мамлакат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилди. Масалан,

**ўтган йилда ижтимоий харажатларга деярли 410 миллиард сўм, яъни 1999 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп маблағ йўналтирилди. Маориф соҳасининг жорий харажатларига 218,4 миллиард сўмга яқин, аҳолини ижтимоий ҳимоялашга 72 миллиард ва соғлиқни сақлашга салкам 84 миллиард сўм сарфланди.**

Маълумки, ўтган йилнинг 1 августидан энг кам иш ҳақи миқдори 50 фоизга кўпайтирилган эди. Шунга биноан Давлат бюджетининг қўшимча харажатлари 31 миллиард сўмдан ошди. Пенсияларни ўз вақтида ва тўлиқ тўлашни таъминлаш мақсадида Давлат бюджетидан Пенсия жамғармасига етарли даражада дотация берилди.

Ёш авлодни соғлом руҳда тарбиялаш мамлакатимиз сиёсатининг ажралмас қисмига айланди. Буни Давлат бюджети мисолида ҳам ёрқин кўриш мумкин. Масалан 1- ва 4-синф ўқувчиларига қишки кийимбош ва пойафзал сотиб олишга 3,6 миллиард сўм, 1-синф ўқувчилари дарсликлари учун салкам 2,0 миллиард сўм, умумтаълим мактабларида компьютер синфларини ташкил этишга 1,0 миллиард сўм, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ўқув-лаборатория анжомлари билан таъминлашга 2 миллиард сўм ажратилди. Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори билан академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари ходимлари маошлари оширилди. Касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва маориф соҳасининг бошқа иншоотлари қурилиши учун 83 миллиард сўмдан зиёд капитал маблағлар молиялаштирилди. Жами маориф харажатлари умумий бюджет харажатларига нисбатан 33 фоиздан ошди. Ваҳоланки, 1999 йилда бу кўрсаткич 29 фоизни ташкил этган эди.

«Соғлом авлод» дастурида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга бюджетдан қарийб 10 миллиард сўм, болалар вакцинацияси, «Она ва бола скрининги» дастури ва Республика тез тиббий ёрдам марказини молиялаштиришга 2,0 миллиард сўм ажратилди.

Ижтимоий ҳимоя харажатлари 72,0 миллиард сўмга етди. Шундан болали оилаларга 51 миллиард сўм, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам сифатида 3,0 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар ажратилди. Аҳоли омонатларини индексация қилиш харажатлари ҳам йил давомида тўлиқ молиялаштирилиб борилди. Ундан ташқари, сув танқислигидан зарар кўрган Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг заҳира жамғармасидан моддий ёрдам сифатида 800 миллион сўм молиялаштирилди.

2000 йилда давлат бюджетидан қарийб 193 миллиард сўмлик капитал маблағлар молиялаштирилди. Ва улар, асосан ҳукумат қарорларида кўзда тутилган устувор дастурларни амалга оширишга йўналтирилди.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари режада 388 миллиард сўм қилиб белгиланган эди, амалда 400,0 миллиард сўмга ёки 103,3 фоиз миқдорида бажарилди, харажатлари эса 102 фоизни ташкил этди. Ва 12 миллиард сўм маҳаллий бюджетлар ихтиёрида қолди.

Давлат бюджетининг жорий йил биринчи чорагидаги натижалари ҳам кўнгилдагидек, дейиш мумкин. Унинг даромадлари 245 миллиард сўмга, харажатлари эса 245,3 миллиард сўмга ижро этилди. Давлат бюджети тақчиллиги 0,3 миллиард сўмни ташкил этди. Давлат бюджети даромадлари белгиланган режага нисбатан 100,4 фоиз қилиб бажарилди.

Даромадлар ижроси солиқ турларига нисбатан олиб қаралганда, аввало, юридик шахсларнинг даромад солиғига тўхталиб ўтиш лозим.

**Маълумки, Олий Мажлис жорий йилда фойда солиғини 31 фоиздан 26 фоизга туширишни таклифини қўллаб-қувватлаган эди.**

Шунга биноан агар ўтган йилнинг биринчи чорагида фойда солиғи тушумлари Давлат бюджети умумий даромадларида 16,5 фоизни ташкил қилган бўлса, 2001 йилнинг биринчи чорагида бу кўрсаткич 12 фоиздан ошди.

2001 йил учун Давлат бюджети тасдиқланганда кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш солиқ сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган эди. Улар учун солиқ юки енгиллатилганлиги билан бир қаторда банк кредитларини олиш, молиявий ҳисоботларни топшириш ва бошқа масалаларда қатор қулайлик ҳамда имкониятлар яратиб берилгани айни муддао бўлди. Натижада, жорий йилнинг биринчи чорагида кичик корхоналар учун жорий этилган ягона солиқ бўйича Давлат бюджетига 6 миллиард сўм ёки 2000 йилнинг шу даврига нисбатан қарийб, 2,5 кўп даромад тушди.

2001 йилдан бошлаб аҳоли даромадларидан олинадиган солиқнинг янги даражаси жорий этилган, яъни 40 фоиздан 36 фоизга пасайтирилган эди. Шунга қарамасдан режа 100,6 фоизга бажарилди, ушбу тушумларнинг жами бюджет даромадларидаги улуши бир маромда сақланиб қолди. Қўшилган қиймат ва акциз солиғи бўйича тушумлар эса жами даромадларнинг 50 фоизига етди ва ўтган йилга нисбатан босқичма-босқич ошиб бормоқда.

2001 йил бюджетининг ўзига хос томонларидан бири маҳаллий бюджетлар даромадлар базасининг янада мустаҳкамланганлиги ва имкониятларининг кенгайтирилганлигидир. Бу эса жойлардаги ҳокимият идораларининг маҳаллий бюджетлар ижросини тўла-тўкис таъминлашдаги манфаатдорлигини кескин оширди. Натижада жорий йилнинг биринчи чорагида маҳаллий бюджетларга режалаштирилган 110 миллиард сўм ўрнига қарийб 114 миллиард сўм тушди, яъни даромадлар режаси (103,4 фоиз) барча ҳудудларда ошириб бажарилди. Шу билан бирга биринчи чорак мобайнида республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга режадаги 20 миллиард сўм дотация ва 19 миллиард сўм қисқа муддатли ссуда сифатида молиявий ёрдам берилди.

Биринчи чоракда ижтимоий харажатларга 118 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ ажратилди. Ва улар жами бюджет харажатларининг 48 фоизини ташкил этди. Маориф соҳасига ажратилган (65,0 миллиард сўм) маблағ Давлат бюджети харажатларининг 26,5 фоизини ташкил этди. Мазкур харажатларнинг 89 фоизга яқини маҳаллий бюджетлар орқали молиялаштирилди.

Маҳаллий бюджетлар ҳисобидан дарсликлар сотиб олишга 573,0 миллион сўм, республика бюджетидан шаҳодатномалар ва мактаб журналлари олиш учун 320,0 миллион сўм ажратилди.

«Оналар ва болалар йили» муносабати билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида 86 миллиард сўмга яқин харажатлар режалаштирилган ва унинг 83,5 миллиард сўми Далват бюджети ҳисобидан амалга оширилиш мўлжалланган. Шунингдек, биринчи чоракда соғлиқни сақлаш тизимини молиялаштиришга қарийб 24,5 миллиард сўм ажратилди. Бу соҳадаги харажатларнинг 87 фоизи маҳаллий бюджетлар томонидан молиялаштирилди.

Маданият, илм-фан ҳамда ижтимоий таъминот харажатлари 6,0 миллиард сўм миқдорида тўлиқ молиялаштирилди. Касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун замонавий бинолар қурилишига 20 миллиард сўмдан ортиқ маблағлар ажратилди. Бюджетдан молиялаштирилган жами капитал маблағлар эса 34,5 миллиард сўмдан ошиб кетди.

Иқтисодиётнинг устувор тармоқлари, яъни сув хўжалиги иншоотлари ва геологияқидирув ишларини молиялаштиришга 19 миллиард сўм йўналтирилди.

**Исмат ХУДОЁРОВ ёзиб олди.**

# Ўрганганимизга амал қилсак

## сайлов муваффақиятли ўтади. Семинар-кенгаш қатнашчилари ана шундай хулосага келдилар

**Назар ҲАКИМОВ, Қашқадарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш комиссияси раҳбари:**

— Мен, аввало, бугунги семинар-кенгашнинг аҳамияти хусусида гапирмоқчиман. У очиқ-ошкора руҳда ўтди. Кўпдан-кўп таклифлар, мулоҳазалар, муаммолар ўртага ташланди. Бу, табиийки, семинар-кенгаш қатнашчилари учун ҳар жиҳатдан фойдали бўлади. Чунки бу ерда, асосан, сайловни ўтказишга мутасадди ва бошқош бўладиган кишилар тўпланган. Сайловнинг муваффақияти кўп жиҳатдан унинг ташкилий жиҳатларига боғлиқ. Менга, айниқса, семинар-кенгашда тадбирнинг ҳуқуқий асослари ва манбалари ҳақида кўпроқ гапирилгани маъқул бўлди. Агар жойлардаги амалий ишларга тўхталадиган бўлсак, вилоятимизда сайловга тайёргарлик ишларини бошлаганмиз. 9 кишидан иборат комиссия тузилди. Комиссия таркибига алоҳида эътибор қаратдик. Обрў-эътиборли, катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган, ҳалол ва адолатли, сайловнинг ҳуқуқий жиҳатларини яхши биладиган одамларни танлашга ҳаракат қилдик. Семинарда бу ҳақда ҳам яхши гаплар айтилди. Насиб этса, семинар-кенгаш яхши натижаларга эришишга ёрдам беришига умид қилса бўлади.

**Хайрилла ХОЛБЕКОВ, Пайариқ туманидаги Гўзал маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Оқсоқол деган номнинг салмоғини, обрўйини туширмаслигимиз керак. Бу нимага боғлиқ? Албатта, оқсоқолнинг ўзига. Шундай экан, аввало, номзод танлашда адашмаслигимиз керак. Тан олишимиз лозим, ҳамма оқсоқол ҳам ўзига берилган ваколатлардан тўлиқ фойдалана олмаяпти. Оқсоқолликни фақат тўй-ҳашамларга бош-қош бўлиш, хўжалик ишлари билан шуғулланишдан иборат, деб биладиган кишилар ҳам йўқ эмас. Бугунги оқсоқолнинг зиммасида катта масъулият бор. Назаримда, семинар-кенгашда айтилганидек, амалдаги оқсоқолни номзод сифатида танлаганда унинг қилган ишига қарашимиз, янги номзодни танлашда эса уни ҳар томонлама ва обдон ўрганишимиз керак.

**Шавкат ЯХШИБОЕВ, Хоразм вилояти, Ҳазорасп тумани ҳокими ўринбосари, туман фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари сайловини ташкил этиш ва ўтказиш комиссияси раҳбари:**

— Президентимиз бир йиғинда маҳаллага демократия дарсхонаси, деб таъриф берган эдилар. Биз учун бўлажак сайловда ҳам ана шу мезон устувор бўлиши керак. Семинар-кенгашда сайлов муқобиллик, номзод кўрсатиш эса ошкоралик асосида ўтиши кераклиги ҳақида кўп гапирилдики, мен ҳам буни қўллаб-қувватлайман. Сайловни ўтказиш жараёнида маҳаллий давлат ҳокимиятлари, яъни жойлардаги ҳокимликларнинг ваколатлари, бурч ва масъулиятлари ҳақида ҳам яхши гаплар айтилди. Бу маҳаллий давлат ҳокимиятлари учун яна бир жиддий синов бўлади, дейилди.

Менга семинар-кенгашнинг демократик руҳи жуда ҳам маъқул бўлди. Ҳеч нарса яширилмади, муаммо ва камчиликлар ҳам очиқ-ойдин айтилди.

**Раҳима КОМИЛОВА, Кармана туманидаги Деҳқон маҳалла фуқаролар йиғини раиси:**

— Семинар-кенгашда маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари ичида аёллар нисбатан камчиликни ташкил этиши ҳақида ҳам гапирилди. Ҳақли эътироз, деб биламан. Йўқ, буни фақат аёл бўлганлигим учун айтаётганим йўқ. Мутлақо. Сайловда аёлларимиз ҳам номзодларини кўпроқ қўйишса яхши бўларди, демокчиман. Албатта, кимни сайлашни сайловчининг ўзи ҳал қилади.

Назаримда, семинар-кенгашда бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ жуда кўп фойдали таклифлар айтилди. Билмаган ёки эшитмаган нарсаларимизни ўргандик. Галдаги ишимиз эса ўрганганимизга амал қилиш, сайловни муваффақиятли ўтказишдан иборат.

**Ўз мухбиримиз.**

*Жалолқудуқ туманидаги Ёрқишлоқ йигирув-тўқув фабрикаси иқтисоди бақувват корхоналар сирасига киради. Тўғри, маълум муддат корхонада депсиниш рўй берди. Бироқ Патиддин Шодибоев раҳбар бўлиб келгач, ишда кескин бурилиш бўлди. Ҳозирда бу ерда россиялик ҳамкорлар билан корхона қошида тикув цехи очиш ҳаракати бошланган. Цех йшга тушгач, яна 300-400 нафар ишчи ўрни очилади.*

***СУРАТДА: ип йигирувчи Шаҳло Каримова.***

***Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.***

## Асосий эътибор камчиликлар таҳлилига қаратилди

Куни кеча Урганч шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг 2001 йил биринчи чораги якунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг шу йилнинг 26 мартида бўлиб ўтган йиғилишида белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиққан ҳолда, Қўмита ва унинг ҳудудий органларининг келгусидаги вазифаларига бағишланган кенгайтирилган кўчма ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди.

Қўмита раиси Б. Насриев бошқарган йиғилишда эришилган натижалар қайд этилиб, асосий эътибор жорий йилнинг биринчи чорагида йўл қўйилган хато ва камчиликлар таҳлилига қаратилди.

Йиғилишда халқ хўжалигининг барча тармоқларида тадбиркорликни ривожлантириш ва чет эл сармояларини кенгроқ жалб қилиш асосида монополиядан чиқариш ва соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳамда реклама фаолиятидаги ишларни янада такомиллаштириш бўйича келгусидаги устувор вазифалар белгилаб олинди.

***Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мулк шакли ўзгариб, ширкат, деҳқон, фермер хўжаликлари ташкил этилиб, деҳқон ҳақиқий мулк эгаси бўлганлиги, у пировард натижадан манфаатдор эканлигини сезганлиги боис ютуқлар кўлами янада кўпайди. Барча хўжаликларнинг тўлақонли фаолият юритиши учун ҳуқуқий асослар яратилди, уларни қўллаб-қувватлашнинг кафолатлари белгиланди.***

# Даланинг ҳам қонуни бор

## қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни ўрганган прокуратура ходимлари шундай фикрни айтишди

Айни пайтда баъзи жойлардаги ишлар шу куннинг талабига жавоб бермайди. Жойларда янгиликка интилиш, ташаббускорлик етишмаяпти, агротехника қоидалари бузилиб, серҳосил, эртапишар навлар яратиш борасида етарли даражада иш олиб борилмаяпти.

Масалан, Вазирлар Маҳкамасининг ўтган йил 21 октябрда қабул қилинган «2000 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишни тугаллаш ва 2001 йил ҳосили учун агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказишга доир кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талаблари баъзи вилоят, туман ва хўжалик, мутасадди идоралар раҳбарлари томонидан тўлиқ бажарилмасдан келинаяпти. Натижада кузги-қишки агротехник тадбирларнинг сифатсиз бажарилишига йўл қўйилди. Кузги шудгорлаш вақтида республика бўйича 13 минг гектар ернинг 12-25 сантиметр чуқурликда ҳайдалганлиги маълум бўлди.

Масалан, Пахтачи туманидаги Қурбон Ражабов номидаги, Йўлдош Охунбобоев номидаги, Булунғур туманидаги «Булунғур», «Дўстлик», Каттақўрғон туманидаги «Янгиобод» хўжаликларида бундай ҳолни кўриш мумкин. Шунингдек, 2000 йилнинг 15 декабр ҳолатига кўра, Шеробод туманида 72, Термизда 80, Ангорда 85, Шўрчида 96 фоиз майдонлар шудгор қилинниб, ҳукумат қарори талаблари ўз вақтида тўла бажарилмади. Баъзи бир воқеалар билан умуман муроса қилиб бўлмайди. Масалан, Шўрчи туманидаги «Ижтимоият», «Ялти», «Полвонтош» ширкат, Бекобод туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжаликларида шудгор қилишда ҳисоботга қўшиб ёзиш ҳоллари маълум бўлди.

Шунингдек, ерларни шудгорлаш пайтида маъданли ўғитлар етарлича солинмаган. Айтайлик, жорий йил ҳосили учун 1 миллион 383 минг гектар сувли майдон ҳайдалиши, унга 123 минг тонна фосфорли ўғит берилиши зарур эди. Аслида 34 минг тонна ўғит берилди ва топшириқ 28 фоизга бажарилди. Натижада агротехника талабларининг кўпол равишда бузилишига йўл қўйилди. Калийли ўғитлар билан таъминлашда ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин. Шу билан бирга ўтган йили «Ўзкимёсаноат» концерни корхоналари томонидан 329,7 минг тонна азот ўғити, 322,6 минг тонна фосфорли ўғит кам ишлаб чиқарилган.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 23 декабрда қабул қилинган «2001 йил ҳосили учун ғўзани навлар бўйича жойлаштириш ҳамда навларни янгилашни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг айрим бандлари бажарилгани йўқ. Чигитни плёнка остига экиш борасида ҳам қонун бузилиш ҳолари мавжуд.

Ўтган ҳафта республика Прокуратарасида бўлиб ўтган Идораларо мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлисида агросаноат мажмуига кирувчи айрим вазирлик, қўмита, уюшма, компаниялар раҳбарлари, вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари қатнашдилар.

**Ҳосил КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

*9 Май — Хотира ва қадрлаш куни*

# Соғинч парчалари



**Одамзотнинг феъли қизиқда. Ҳамма нарсадан сабаб изслаймиз, оқибат қидирамиз. Ўзимиздан бехабар — тўрт тарафга жар соламиз: «Одамларда оқибат қолмади, меҳр қўргизиш йўқ...» Аслида-чи?**

**Жуда кўп мулоҳазаларга бордим, қиёс изладим, таъриф ахтардим. Нимага, у қандайин сир-синоат экан, деб сўраяпсизми? Мен ниҳоят... ишонинг, иккита сўз ЎЗИМИЗни суяб турадиган устун эканлигига иқрор бўлдим: бири ХОТИРА бўлса, иккинчиси ҚАДР экан.**

**Истасак-истамасак, ҳаммамиз ХОТИРАга суяниб яшаймиз. Хотирасиз одамни «манқурт» деймиз. ҚАДР эса инсоннинг инсонийлигини улуғловчи тенгсиз туйғу. Икки сўзда битта буюк ҳикмат борлигини энди англадик!**

**Ўша куни ўтмиш уйғонди, миллатнинг, бир бутун Ватаннинг хотираси кўз очди. Бу — сизу биз учун ҚАДРнинг қайтган куни эди. Энди билсак — «Тарихий хотирасиз келажак йўқ!» — деган улуғ башоратнинг амалдаги исботи шу экан, аслида. Нима бўлганда ҳам ўтаётган ўн йиллик тарихимиз зарварақларига ўчмас битиклар битилаётгани рост. Кеча...**

**Ўн йилдан бери ул-бул нарсалар қоралаб қўяётган «Ҳуррият дафтарим»ни варақладим. Унинг айрим варақларида ХОТИРА ва ҚАДРнинг, соғинчнинг бетакрор парчалари ёзилган экан...**

* * *

... Уруш кўрган одамларнинг кўпини биламан. Бири қайсар, бошқаси кўнгилчан, яна бирови соддадил. Хуллас, ҳаммаси ўз дунёси билан яшайдиган одамлар эди. Раҳматлик Маҳмадиёр бува қишлоқ дўкон мудири бир қоп ундан йигирма беш тийин «уриб» қолганида... дўкончининг ёқасидан олганини кўриб ажабланганлар бугун ўша бобойни соғиниб эслайдилар.

Ҳар йили мактабимизга уруш қатнашчиларини чорлаб, аввал улардан ўз хотиралари ҳақида сўзлаб беришлари сўралганида доим одамларга кам қўшиладиган Баҳриддин бобо бирон сўз демай секингина маҳзун чиқиб кетганининг боисини энди англаяпман. Нега десангиз, яқинда ўзи айтиб қолди: «Неварам, ана энди нима сўрасанг гапириб бераман. Чунки минг-минглаб кўп йиллар «номаълум» бўлиб келган дўстларимнинг номлари энди маълум. Тошкандай шаҳри азим ўртасида уларнинг номлари зикр этилган Хотира китоби қўйилган, ёнида мушпипар ўзбек аёлининг мунис сиймоси мангу олов... Биз айтолмаган ҳикоялар, тарихий воқеалар шу ерда жамул-жам».

* * *

Раҳматлик отам Қодир Жалил Карвон ўғли 1988 йилнинг майида Тошкентга келди. Умрида қишлоғидан ўзга ерни кўрмаган одамни катта шаҳарнинг катта шовқини ва салобати босдими, икки кун ўтиб-ўтмай «кетаман»га тушди. Сал кўнгли ёзилсин, деб пойтахтнинг машҳур жойларини кўрсатдим. Қаерда, ҳеч очилмади. Охири, эртаси куни кузатадиган бўлдим.

Ўша куни ярим тунда уйғониб, «болам, босинқираяпман, акам раҳматлик тушимга кирди. Ўзини зўрға эслайман. Урушга кетиб қайтмаган, ўликтириги номаълум», дея тонггача ухламади. Поезд кеч жўнарди. Эрталаб «Менга олов ёниб турган майдонни кўрсатиб қўйсанг бўлди, сен ишингдан қолма», деб шаҳарни айлангани кетди...

Ишдан келсам, отам хомуш ўтирибди. Ҳайрон бўлдим, нима бўлди ота, деб сўрадим. Ниҳоят ёрилди: «Кеча сенга айтолмадим. Эрталабгача Мейли акам ухлатмади. Нуқул «бизларни олиб кетинглар юртга» дейди қўлини чўзиб. Шунга Номаълум аскар пойидаги мангу олов ёнига бориб, кун бўйи дуои-фотиҳа ўқиб, йиғлаб ўтирдим. Зора руҳи шод бўлса, нима қилай, қачон, қаерда ўлганиям номаълум-да?!»

Отам барибир қишлоққа дилгир ва маҳзун жўнаб кетди. Менинг ҳам кўнглим ҳеч ёришмади. Нима қилсам экан, уч-тўрт жойларга мурожаат этдим. Қашқадарёдан урушга кетиб қайтмаганларнинг рўйхатларини ўқидим. «ЖАЛИЛОВ М.» деган фамилия чиқмади...

Ҳар гал қишлоққа борсам отам салом-алигимиз тугамасданоқ, «Мейлидан бирон хабар йўқми, ўғлим» дерди. Сўнг раҳматлик Ҳазратқул тоғам билан ўз хотираларини сўзлаб қоларди. Қайтишимда эса яна тайинларди: «Сен ишинг баҳонасида у ёқ бу ёқларга борасан, суриштириб кўравер. Кўзим очиқлигида Мейлидан бирон хабар эшитармиканмиз?»

Минг афсуски, отам раҳматли акасининг номаълум тақдиридан бехабар бўлиб, ҳатто Ватан озодлигиниям кўролмай бир дунё армон билан 1990 йили дунёдан ўтди.

Орадан тўққиз йил ўтиб... Ниҳоят, ғалаба кунида эмас, балки ХОТИРА ВА ҚАДРЛАШ кунида отамнинг бир умрлик армони ушалганини кўриб... йиғладим. Чунки Президентимизнинг ташаббуслари билан бунёд этилган ХОТИРА майдонида зарҳал ҳарфлар билан битилган китобдаги «ЖАЛИЛОВ М. 1942» деган ёзувни ўқиб... дунёга сиғмай кетдим.

* * *

Қаршилик саксон ёшли Пўлат бува Рауф оқсоқол ўғли урушда бедарак кетган акаси Муҳаммад Шарифни бундан тўрт йил бурун «топди». Отахоннинг телефони узун жиринглади. Пойтахтда яшайдиган ўртанча ўғли Сирожиддин «Суюнчи беринг ота, яна ўғил кўрдим. Исмини ўзингиз қўйсангиз...»

Бир мавзени «мот» қиладиган Пўлат бува шошиб қолди. Ёшларнинг кўнглиям нозик, от қўйиш айтишга осон, эртага... Охири «Менга қолса, шунингни Муҳаммад Шариф деб атасанг. Биласан, акам раҳматлик...».

Отасининг овози маҳзун эшитилганини сезган Сирожиддин бирдан «Сиз нима десангиз шу бўлади!» дея туғруқхонага чопди.

Тўрт йилки, Пўлат бува митти Муҳаммад Шарифни қучиб, «Менинг отагинам, менинг жигаргўшам», дея суюб эркаласа, набираси ҳар ойда Хотира майдонига отасини тортқилаб, гоҳ Мотамсаро она ҳайкали ёнида, гоҳ юракни титроққа солгувчи устунларни қучоқлаб суратга тушиб, бобосига жўнаттиради...

* * *

1988 йили радиода ишлаб юрганимда кимдир «Ўзбек аёллариям урушга борганми?» деб сўраб қолди. Кўпчилик билмас экан. Маҳмуда деган бир ҳокисор аёл кутилмаганда «Менинг онам урушда қатнашган» деди. Биров ишонди, биров ишонмади.

Орадан йиллар ўтди. «Қўрқмас алоқачи» номини олган Ҳуринисо ая ҳақида кўп ҳайратомуз ҳикоялар эшитдим. Кейин билсак, аянинг умр йўлдоши Асатилла ота ҳам урушда қатнашган экан. Лекин иккаласи ҳам ниҳоятда камсуқум ва камтаринлиги боис, тўғри келган даврада уруш ҳақида мақтаниб гапиришмас, ҳеч қўйишмаса «Пешонага ёзилган экан, кўрдик, бироқ қанча дўстларимиз ўзга юртларда қолиб кетди, руҳлари чирқиллаб ётибди, қанийди бирон савоб иш қилиб, арвоҳларни шод этсак», деб қўйишарди.

Ҳуринисо ая қутлуғ кунларни кўрди. Озод Ватанимизнинг шарафли мукофотларига сазовор бўлди. Фақат аяга ўтган йилги унутилмас тантаналарни кўриш насиб этмади.

Ортида қолган фарзандлари уруш азоблари кўрган отаоналари юрагига чўккан армонларнинг бугунга келиб рўёбга чиққанини кўриб... суюнишади. Айниқса кенжа қизи Маҳмудахон Рихситиллаеванинг ушбу дил изҳори ҳаммамизга сабоқдай туюлади: «Ҳар куни Хотира майдонидан ўтаман. Олов-ку майли, она ҳайкалига кўзим тушди, йиғлайман. Фақат байрамда эмас, ҳар ҳафта болаларимни бу майдонга олиб келиб, зиёрат қилдираман. Токи, шулар кўнглидаям хотира уйғонсин, қадр уйғонсин...»

**Норқобил ЖАЛИЛ.**

## Миллий либослар

**номли почта маркалари туркуми «Ўзбекистон маркаси» АЖ томонидан тайёрланди ва муомалага чиқарилди.**

Миллий либослар халқ амалий санъатининг ёрқин, ўзига хос бадиий маҳсулидир. Улар у ёки бу халқ моддий маданиятининг ажралмас бир қисми сифатида мазкур халқнинг келиб чиқиши, турмуш тарзи, эстетик назми ҳамда миллий хусусиятларини англаб олишга ёрдам беради. Шунингдек, миллий либослар моддий фаровонликни белгиловчи мезонлардан бўлиб, айни пайтда халқ тарихини чуқур ўрганишда қимматли манба ҳамдир.

Ушбу туркум 5 та маркадан иборат. Маркалар туркумидаги расмларни ёш рассом Ирина Лисенко ишлаган.

**Ф.ТЎРАБОЕВ.**

# «ҚИЗИЛҚУМЦЕМЕНТ» ОАЖ

## АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«Қизилқумцемент» ОАЖ кузатув кенгаши жамиятнинг 2000 йил молиявий-хўжалик натижаларига бағишланган йиллик умумий йиғилиши чақирилишини маълум қилади. Йиғилиш жамиятнинг маъмурий биноси мажлислар залида 2001 йил 8 июн куни соат 14.00 да ўтказилади.**

**КЎН ТАРТИБИ:**

1. *Жамиятнинг 2000 йилги молиявий-хўжалик фаолияти якунлари ҳақида ҳисоботи.*
2. *Жамиятнинг 2000 йилги даромад ҳисобини ва йиллик балансини тасдиқлаш.*
3. *2000 йил учун тафтиш комиссияси ҳамда аудиторлик текшируви хулосаларини тасдиқлаш.*
4. *2000 йил учун дивидендлар миқдорини тасдиқлаш.*
5. *2001 йил учун жамият аудиторини тасдиқлаш.*
6. *2001 йил учун жамият молиявий-хўжалик фаолиятининг асосий йўналишларини тасдиқлаш.*
7. *Янги таҳрирдаги жамият уставини тасдиқлаш.*
8. *Янги таҳрирдаги умумий йиғилиш, кузатув кенгаши, тафтиш комиссияси, ижроия органи, ижроия орган раҳбарини меҳнатга ёллаш шартномаси ҳақидаги низомларини тасдиқлаш.*
9. *Ҳар хил масалалар.*

**Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш соат 13.00 да бошланади.**
**Жамият манзили: Навоий вилояти, Навоий шаҳри-3.**
**Телефонлар: 22-3-42-71, 22-98-3-04.**

***Кузатув кенгаши.***

**БАЛАНС** 01.01.2001 йил ҳолатига

| КЎРСАТКИЧЛАР НОМИ | (минг сўм) |
|---|---|
| **АКТИВ** | |
| 1. Асосий восита ва маблағлар | 1576776 |
| 2. Ишлаб чиқариш заҳиралари | 1860078 |
| 3. Пул маблағлари | 93535 |
| 4. Дебиторлар | 1063001 |
| **ЖАМИ:** | **4593390** |
| **ПАССИВ** | |
| 1. Устав маблағи | 1403736 |
| 2. Тақсимланмаган фойда | 718360 |
| 3. Келгуси давр даромадлари ва сарфлари | 757750 |
| 4. Кредиторлар | 1713544 |
| **ЖАМИ:** | **4593390** |

**МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР**

| | |
|---|---|
| 1. Маҳсулотни сотишдан тушган тушум | 9589765 |
| 2. Маҳсулот таннархи | 5352212 |
| 3. Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа | 2618079 |
| 4. Асосий ишлаб чиқариш фаолиятнинг молиявий натижаси | 651426 |
| 5. Умумий молиявий натижа | 551789 |
| 6. Солиқ ва ажратмалар | 17717 |
| 7. Соф фойда | 534072 |

**Балансниг тўғрилиги «Аудит-ЧБЮХ» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.**


# ХОТИРА ДЎСТЛИКНИ УЛҒАЙТИРАДИ

**Фармонбой ота Худойбердиев Новқаотадаги ёдгорлик қошида узоқ турди, иккинчи жаҳон урушининг азобли йиллари, Одер соҳиллари ҳамда Украина, Польша, Берлин остоналаридаги жанглар кўз олдидан ўтди. Ватан учун жон берган дўстларини бирма-бир ёд этди, қуръон тиловат қилди.**

**«Фармон бобо» деган овоз сукунатни бузди. Бобо ўгирилиб қараса, шундоқ ортида Ғани дўстининг невараси, эл суйган санъаткор Анваржон Ғаниев турибди. Қўлида бир сават гул.**

**Анваржон ҳар йили ана шундай қутлуғ байрамлар арафасида икки-уч бора Тошкентдан Бахмалга келади. Фармон бобонинг хотираларини эшитишни хуш кўради ва сўнгтида ўзи ҳам ҳазин қўшиқларидан хониш қилади.**

**Бу сафар уларни маҳаллий ҳаваскорлар суратга ҳам туширишди.**

**Фармон бова Ғани ота билан дўст эди, ҳамкасб эди. Анвар эса бованинг неваралари билан қадрдон.**

**Ана шундай. Хотира дўстликни улғайтирди, дўстлик эса хотирани... безамоқда.**

*Сурхондарё вилояти Денов туманидаги «Орзу К °» фирмасига қарашли КамАЗ 5410 русумли Давлат белгиси 72-09 СДМ рақамли автомашинага шаҳар атрофи ва шаҳарлараро юк ташиш учун берилган АТ серияли № 0143999 сонли лицензия варақаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.*

*Янги қўлланма*

# XXI аср абитуриентларига «маълумотнома»

Мактабларда ўқув йили тугаб, сўнгги қўнғироқлар чалинадиган вақт ҳам яқинлашиб қолди. Бу айниқса битирувчи синф ўқувчилари учун масъулиятли давр бошланишидан дарак. Катта ҳаёт бўсағасида турган ёшлар етуклик гувоҳномасини олгач, ўзлари орзу қилган касб эгаси бўлиш учун синовларга тайёргарлик кўра бошлайдилар. Тайёргарлик ўз йўлигая, бироқ тест синовларининг бориши жараёнини, унда абитуриентлардан талаб этиладиган қонун-қоидаларни пухта билмаслик ҳам кўпгина нохушликлар туғдириши мумкин. Шу боис бир неча йилдан бери республиканинг барча мактабларида Давлат тест маркази томонидан халқ таълими ходимлари билан ҳамкорликда машқий тест синовлари ўтказиляпти. Унда битирувчилар тест ўтказиш тартиб-қоидалари ҳақида малакали маслаҳатлар олиш имконига эга бўладилар. Бу синовларда тўпланган баллар эса ёшларнинг республиканинг олий ҳамда ўрта махсус ўқув юртларининг ўзлари танлаган мутахассислиги бўйича ўқишга кириш учун тайёргарлик даражасини баҳолашга ёрдам беради. Қолаверса, дунёнинг кўплаб мамлакатлари каби Ўзбекистон тажрибаси ҳам абитуриентларни тест синовларида тўплаган балларини ҳисобга олган ҳолда танлаб олиш энг ишончли ва холисона танлов эканлигини кўрсатяпти.




Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази бу йил илк бор «Олий ўқув юртларига қирувчилар учун «маълумотнома» тайёрлади. Рисола асосан умумтаълим мактаблари, лицейлар, гимназияларнинг юқори синф ўқувчилари ва битирувчиларига мўлжалланган. Лекин у ўқитувчилар, халқ таълими ходимларига ҳам асқотиши шубҳасиз. Гап шундаки, «Маълумотнома»да Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2000-2001 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул ҳақида»ги қарори, республика олий ўқув юртлари, уларнинг жойлашган манзиллари, мутахассисликлар, грант ва шартнома асосида қабул режалари, абитуриентларнинг таълим йўналишлари бўйича ўтиш баллари ҳақидаги маълумотномалар жамланган. Шунингдек, республика олий ўқув юртларига қабул қилиш қоидалари — абитуриентга эслатма ҳамда тест синовлари чоғида абитуриентларга қўйиладиган талаблар ҳам қўлланмадан жой олган. Ёш йигит-қизларнинг орзу-истакларни ушалиб, кўзлаган мақсадига эришувида «Маълумотнома» йўлланма вазифасини бажариши шубҳасиз.

**Умида ФАЙЗИЕВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


SAMSUNG DIGITall
everyone's invited™



SAMSUNG кондиционерларининг янги йўналиши

SAMSUNGдан
40та қимматбаҳо совринни
**ЮТИБ ОЛ**
**ЎЙИНЛАР 10 ИЮН, 10 ИЮЛ, 10 АВГУСТ ВА 10 СЕНТЯБРДА ЎТКАЗИЛАДИ**

2001 йил 1 майдан - 31 августгача
NATURE INSIDE наклейкали SAMSUNG кондиционерини сотиб олган ҳар бир харидор SAMSUNGдан 40та қимматбаҳо соврин (телевизор, видеомагнитофон, аудиосистема, чанг ютгич, микротўлқинли печ) ютиб олиш имкониятига эга.

Ўйиннинг шартларини сотиб олинаётган кондиционерлар билан бериладиган купонларда ўқинг.

Ютган купонларнинг рақамлари "Труд-7", "Халқ Сўзи", "Народное Слово" газеталарида ва радио орқали эълон қилинади.

NATURE INSIDE

Тел.:(+998 712) 504666, 504767, 414324.
E-mail:sergey@sinta.prv.uz

4144 АЗ

# Натижалар, совриндорлар, совринлар...

***«Баркамол авлод» спорт ўйинларининг муросасиз беллашувлари ниҳоясига етди. Республикада биринчи бор ўтказилган мусобақаларда чиройли ўйинлар, қувончли натижалар кўп бўлди. Зеро, кейинги «Баркамол авлод» мусобақаларидаги барча кўрсаткичлар Жиззахдаги натижаларга қиёсланади. Баркамол авлодларимиз ўзаро беллашувларга тайёргарликни дастлабки ғолиблар кўрсаткичларини янгилашни мақсад қилган ҳолда олиб борадилар. Умумжамоа бўйича янада юқори ўринга интиладилар.***

Спортнинг еттита тури бўйича энг юқори натижаларга эришиб, умумжамоасига кўп очко келтирган ҳамда совринли ўринларни эгаллаган, олтин, кумуш, бронза медалларига сазовор бўлган жамоаларни шарафлаш, таъкидлаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Мана, улар:

**Футбол бўйича**

**I ўрин — Наманган вилояти**
**II ўрин — Сурхондарё вилояти**
**III ўрин — Самарқанд вилояти**

**Волейбол бўйича**
**Ўсмирлар**

**I ўрин — Навоий вилояти**
**II ўрин — Фарғона вилояти**
**III ўрин — Қорақалпоғистон Республикаси**

**Қизлар**

**I ўрин — Тошкент вилояти**
**II ўрин — Наманган вилояти**
**III ўрин — Қорақалпоғистон Республикаси**

**Баскетбол бўйича**
**Ўсмирлар**

**I ўрин — Тошкент шаҳри**
**II ўрин — Тошкент вилояти**
**III ўрин — Наманган вилояти**

**Қизлар**

**I ўрин — Тошкент шаҳри**
**II ўрин — Бухоро вилояти**
**III ўрин — Наманган вилояти**

**Теннис бўйича**

**I ўрин — Тошкент шаҳри**
**II ўрин — Наманган вилояти**
**III ўрин — Жиззах вилояти**

**Ўзбек кураши бўйича**

**I ўрин — Жиззах вилояти**
**II ўрин — Қорақалпоғистон Республикаси**
**III ўрин — Тошкент шаҳри**

**Сузиш бўйича**

**I ўрин — Тошкент шаҳри**
**II ўрин — Навоий вилояти**
**III ўрин — Тошкент вилояти**

**Енгил атлетика бўйича**

**I ўрин — Тошкент вилояти**
**II ўрин — Наманган вилояти**
**III ўрин — Самарқанд вилояти**

Ғолиб жамоаларнинг барча аъзолари, мураббийларига «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг медаллари, эсдалик совғалари топширилди. Шахсий биринчиликлар якунларига кўра 1-3-ўринни эгаллаган йигит-қизлар ҳам олтин, кумуш, бронза медаллари билан тақдирланишди.

**Озод РАЖАБОВ,**
**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**
**Б. ТЎРАЕВ, А. РИСҚИЕВ (ЎзА) олган суратлар.**

## Матбуот марказининг ҳам ўз ғолиблари бор

Ўз фаолиятини Паркентдаги «Қуёш-физика» илмий институтида бошлаган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари Матбуот марказида мусобақа кунлари тиним бўлмади.

Жиззах шаҳридаги Олимпия заҳиралари коллежида жойлашган марказда республика оммавий ахборот воситаларининг юз нафардан зиёд вакили қизғин фаолият кўрсатди. Бу ердан туриб тарқатилган хабарлардан бутун республика аҳли, қўшни мамлакатлар спортсеварлари баҳраманд бўлдилар, десак ҳеч муболаға эмас. Зеро, вилоятнинг олис Бахмал, Ғаллаорол, Пахтакор туманларидаги мусобақалар ҳақида ҳам ўша пайтнинг ўзида хабар бериб бориш қулайликлари яратилганди. Ҳозиржавоб журналистлар эса бундай имкониятларни бой беришмади.

Мусобақаларнинг тантаналли ёпилиш маросимидан олдин Матбуот марказида сўнгги йиғилиш бўлди. Унга оммавий ахборот воситаларининг барча вакиллари таклиф этилди. Анжуманда «Баркамол авлод» мусобақаларини ёритишга жалб этилган ижодкорлар фаолияти, оммавий ахборот воситаларининг бу улкан тадбирга муносабати хусусида сўз юритилди. Баҳс, мунозаралар бўлди.

Республикада илк бор ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг аҳамияти, йигит-қизларимиз, келгуси авлодларимиз ҳаётидаги ўрни, мусобақаларга тайёргарлик жараёни ҳамда беллашувлар ҳақидаги қизиқарли, мазмунли материаллари боис «Халқ сўзи» газетаси мусобақаларни энг яхши ёритган газета, деб топилди. Республика телевидениесининг «Ахборот» кўрсатуви ходимлари ҳозиржавобликлари билан кўпчиликка намуна бўлдилар. «Правда Востока», «Спорт», «Маърифат» газеталари мухбирларининг ижодий изланишлари самарали бўлганлиги таъкидланди.

— Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, журналистларимиз фаолияти таҳсинга лойиқ, — деди Матбуот маркази раҳбари, вилоят ҳокими матбуот котиби Йўлчи Жўраев. — Ишончим комил, ҳали Жиззахдаги «Баркамол авлод» ўйинлари ҳақида кўп яхши нарсалар ўқиймиз.

Анжуманда ғолиб журналистларга Фахрий ёрлиқлар, эсдалик совғалари топширилди.

***Куни кеча пойтахтимиздаги «Динамо» теннис клуби кортларида теннис бўйича «Ҳавас-2001» мусобақалари якунланди. Унда 112 (жуфтликларда 64, якка тартибда 48) нафар раҳбар ўзаро куч синашди.***

В. Отаев ва «Ўзфармсаноат» концерни бошлиғи Қ.Шодиев Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Р.Файзуллаев ва маҳаллий саноат концерни раҳбари А. Алиев кортга тушди.

# «Ҳавас» ҳавасни келтирди

Аввало, шуни айтиш керакки, икки кун давом этган турнир байрамона руҳда ўтди. Дастлаб, мусобақанинг ўтказилиш тартиби белгиланди. Унга кўра, ҳам жуфтлик, ҳам якка тартибдаги ўйинлар иштирокчилари саккиз гуруҳга бўлинди. Гуруҳ ғолиблари эса чорак финалга йўл олишди. Ушбу турнир мамлакатимиз раҳбарлари орасидан кўпгина теннис «юлдуз»ларини ҳам кашф қилди, дейиш мумкин. Жумладан, Бош вазир ўринбосари В.Отаев ва «Ўзфармсаноат» концерни раҳбари Қ.Шодиев жуфтлиги чорак финал ўйинларигача бўлган барча рақибларини «тўхтатиб» қолишди. Айниқса, Наманган вилояти ҳокими Т.Жабборов билан бир жуфтликда ракетка ушлаган О.Носиров («Телеком» акционерлик компаниясининг вилоят филиали директори) ўйинлари, зарбаларининг ўхшаши йўқ бўлди. Демак, бундан хулоса шуки, ўтган йиллар ичида «Ҳавас» чин маънода ўз зиммасига юкланган вазифани уддалади.

Энди бевосита «Ҳавас-2001» ўйинлари тафсилотига қайтадиган бўлсак, турнирнинг якка тартибдаги ярим финал баҳсларини Ташқи ишлар вазирлиги ходими Т.Султонов ва «Намангансавдо» компанияси бошқаруви раиси А.Зиётов бошлаб берди. Учрашув А.Зиётовнинг катта устунлиги остида ўтиб, ғалаба қозонди. Аммо, ёшликда теннис билан шуғулланиб, бу борада катта тажрибага эга бўлган А.Зиётовни олдинда жуда жиддий рақиб кутаётганди. У бўлғуси чемпион, республика Миллий хавфсизлик хизмати ходими Фахриддин Турсунов эди. Ф.Турсунов ярим финалгача турнирда жуда ажойиб ўйин кўрсатиб, чемпионликка даъвогарлардан бири саналаётган «Даврахитектқурилиш» қўмитаси раиси С.Ниёзовни қийинчилик билан мағлубиятга учратди. Ва, шу тариқа Ф.Турсунов финалда А.Зиётов билан рўбаро келди. Гарчи, икки

раҳбар ўртасидаги беллашув узоқ давом этган бўлса-да, мухлислар зерикиб қолишмади. Фахриддин Турсуновнинг эса «Ҳавас-2001» турнири чемпиони бўлиши дастлабки сетлардаёқ аёнлашди. У кортнинг исталган нуқтасида профессионал теннисчиларга хос техник маҳоратнинг бир қанча усулларини эгаллаб олганлигини намойиш қилди. Ва, турнир чемпиони бўлди.

Жуфтлик баҳсларининг ярим финал ўйинларида Т.Жабборов ва О.Носиров жуфтлиги Ш.Назаров (Қашқадарё вилоят ҳокими ўринбосари) ва В.Никефоров (вилоят халқ таълими бошқармаси ходими) билан орани «очиқ» қилишди. Ўйинда наманганликларнинг қўли баланд келиб, финалга йўл олишди. Яна бир ярим финал баҳсларида Бош вазир ўринбосари Ушбу учрашувда ёшлик ғалаба қилди дейиш мумкин. Негаки, шу куни иккинчи марта кортга чиққан Отаев — Шодиев жуфтлиги аввалига яхши ўйин кўрсатишди. Бироқ улар ўзларидан ёш бўлган Файзуллаев — Алиев жуфтлиги маҳорати-ю ғайратига бас келишолмай, мағлубиятга учрашди.

Ва, ниҳоят финал. Очиғи, ушбу охирги «жанг»да наманганликларнинг ғалаба қозонишини олдиндан бемалол башорат қилиш мумкин эди. Чунки шу куни жуфтликдаги вилоят ҳокими ҳам, директор ҳам чинакамига ўйин кўрсатиб, барча мухлисларнинг ҳайратига сабаб бўлишди. Қизиқарли ўтган баҳсда 6-4 ҳисобида Т.Жабборов — О.Носиров турнирнинг жуфтлик баҳсларида чемпионликни қўлга киритишди.

Финал учрашувлари тугаши билан ғолиблар шарафланди. Уларга «Ҳавас» кубогидан ташқари қимматбаҳо совғалар ҳам топширилди. Хусусан, республикамизнинг барча матбуот нашрлари қатори «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари «Энг истиқболли жамоа» совринини Б.Ҳусанбоев — Т.Зокиров жуфтлигига топширди. Албатта, мамлакатимиздаги турли бўғин раҳбарларининг кортларда кўрсатган маҳоратлари унинг шоҳиди бўлган ва эшитган барча кишиларга ўрнак бўлади, деб умид қиламиз.

**Фурқат САНАЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**А. ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат.**

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жамоаси республика прокуратурасининг бошқарма бошлиғи Абдуғаппор Салиҳовга волидаи муҳтарамаси

**ОЙНИСО аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Растр» Ўзбекистон-Британия қўшма корхонаси жамоаси корхона бош директори Обид Саибназаровга онаси

**Зеби ая САИБНАЗАРОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети жамоаси Илмий тадқиқот бўлимининг етакчи муҳандиси Шаҳло Одиловага опаси

**Шаҳноза ОДИЛОВАнинг**

бевақт вафот этгани муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти жамоаси «КХЭЭК» кафедраси доценти

**Мухаррам ЭГАМБЕРДИЕВанинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзагроқурилиштаъмирлаш» корпорацияси жамоаси Бухоро вилоят «Бухоротаъмирлашқурилиш» бирлашмаси бошлиғи Анвар Ҳайдаровга отаси

**Ҳайдар ҲАЙДАРОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилоят адвокатлар ҳайъати жамоаси Тошкент вилоят адвокатлар ҳайъат раёсати қошидаги Юридик маслаҳатхона адвокати Марат Шотурсуновга волидаи муҳтарамаси

**Ҳакима ая ШОТУРСУНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.


**«ХАЛҚ СЎЗИ»**
**«НАРОДНОЕ СЛОВО»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон УСМОНОВ

**Таҳрир ҳайъати:**
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.


**БЎЛИМЛАР:**


*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 136-29-89, 133-07-48;*
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими — 132-12-08;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15;*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*



**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2415, 26127 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва З. БОЛТАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — Г. ЙЎЛДОШЕВА
Навбатчи — О. РАЖАБОВ
Мусаҳҳиҳ — О. АБДУАЗИМОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 20.50*
1 2 3 4 5 6